



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 10 » декабрь

№ ПК–42

Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш tizimini инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда чекланган сув захираларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерлари биофондини тиклаш, шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта фойдаланишга киритиш, экотизимлар биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, “яшил энергетика” ва агротехнологиялар каби муҳим йўналишларда таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансферини самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Бундай долзарб глобал муаммоларни ечиш учун инвестициялар ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янги босқичга кўтариш ҳамда ишланмаларни амалиётда қўллашга қодир бўлган муҳандисларни тайёрлаш масалалари устувор аҳамият касб этади.

Республикада инновацион таълим ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тизimini яратиш, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш, олий таълим муассасалари фаолият йўналишларини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро нуфузини ошириш, самарали бошқарув тизimini ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти **“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети** (кейинги ўринларда – Университет) деб қайта номлансин.

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

гидроэнергетика, ирригация тизимларини бошқариш, сув хўжалиги объектлари қурилиши, кадастр ва геоинформатика, “яшил иқтисодиёт”, “яшил энергетика”, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, рақамли технологиялар тармоқлари учун **олий маълумотли муҳандис кадрларни тайёрлаш;**

суғориш тизимлари самарадорлигини ошириш, **тежамкор суғориш технологияларини яратиш**, “рақамли қишлоқ хўжалиги” ва геоахборот тизимлари асосида **ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашни йўлга қўйиш** ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг такомиллашган усуллари ишлаб чиқиш;

замонавий ўқув ва **илмий-лаборатория базасини шакллантириш**, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган **илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш ва уларнинг трансфери** бўйича самарали тизимни шакллантириш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, **гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни рақамлаштириш борасида илмий ечимларни ишлаб чиқиш;**

илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) **магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишларини ташкил этиш;**

ўқув жараёнини талабаларда **мустақил таълим олиш**, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан **тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;**

Ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, таълим ва тадқиқотни уйғунлаштириш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун энг илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш;

тасарруфидаги ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Белгилансинки, Университет гидроэнергетика, ирригация, мелиорация, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи суғориш технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбалари, геодезия ва геоинформатика, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университет фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда – Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (С.У.Умурзаков):

а) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг молиявий йил учун мўлжалланган **бизнес-режасини, узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини**, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ **илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш;**

қишлоқ ва сув хўжалиги технологиялари йўналишида таълим, илмий тадқиқот ва **ишланмалар трансфери** жараёнларини ривожлантириш ҳамда **илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш;**

илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш, стартап ва акселератор фаолиятларини йўлга қўйиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига **инвестицияларни жалб этиш**, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

б) қуйидаги ваколатлар берилсин:

иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда **янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш**, шунингдек, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш;

Ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган **хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини** бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

Университет ва унинг тасарруфидаги таълим ташкилотлари **тузилмаларини тасдиқлаш**;

Университетнинг ташкилий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган **янги лавозим ва таркибий бўлинмалар ҳамда қўшимча штат бирликларини** жорий этиш.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Университетда Трансформация офисини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Трансформация офиси қуйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни **трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш** ҳамда **2025 йилга қадар** халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингда биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали **тарғибот тадбирларини ўтказиш ва реклама** қилиш;

Университетдаги турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашда қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва ҳужжатлар айланмасини рақамлаштирувчи **“Рақамли Университет” платформасига** тўлиқ ўтишини таъминлаш.

Белгилансинки, Трансформация офиси раҳбари лавозими, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича Университет проректорига тенглаштирилади.

5. Университетга 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб қуйидаги ваколатлар берилсин:

а) **академик мустақиллик соҳасида:**

ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;

илмий даражалар берувчи **илмий кенгашлар тузиш** ва уларнинг таркибини тасдиқлаш;

тегишли ихтисосликларда **илмий унвон ва илмий даражаларни бериш** ҳамда республикадаги бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий унвон ва илмий даражаларни тан олиш, шунингдек, докторант ва мустақил изланувчиларга **илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш**;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун **таълим давомийлиги муддатларини** белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали **докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда талабгорларни қабул қилиш**;

магистратура босқичида таълимнинг сиртқи, масофавий ва кечки шакллари жорий этиш, шунингдек, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича **қўш малакалар ҳамда касбий малакалар бериш тизимини жорий қилиш**;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан **ички академик мобилликни амалга ошириш**;

Университет ва унинг тасарруфидаги таълим муассасалари учун **ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш**;

таълим сифатини **ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш**;

б) ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида:

фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган таркибий тузилмалар, **тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш**;

педагог ва бошқа **ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни** белгилаш;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва **масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш**.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ваколатлар Университет томонидан мустақил равишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Университетни 2022 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, Университетга ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари учун берилган барча ваколат ва ҳуқуқлар татбиқ этилади.

7. Қуйидагилар:

2025 йилга қадар “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетини **трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастури** 2-иловага мувофиқ;

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг **халқаро нуфузини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар** 3-иловага мувофиқ;

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети **мутахассислик кафедраларини** илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва **муассасаларга бириктириш жадвали** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти**ни ташкил этиш;

Университетнинг Бухоро филиали негизида **Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти**ни ташкил этиш;

Университетнинг Қарши филиали негизида **Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти**ни ташкил этиш.

9. Белгилансинки:

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институтининг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Университет ҳузурида фаолият юритади;

Университетнинг Бухоро ва Қарши филиаллари талабалари таҳсил олаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишни мос равишда Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтида давом эттиради;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти тааллуқлилиги бўйича Университетнинг Бухоро ва Қарши филиалларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади ҳамда филиалларнинг мол-мулки ва бошқа асосий воситалари тегишли равишда янги ташкил этилаётган институтларга ўтказилади.

10. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

минтақада мавжуд сув ресурсларини инобатга олган ҳолда ҳудудлар кесимида **судан фойдаланиш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган тадқиқотлар ўтказиш;**

геоахборот технологиялари асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, **тупроқ унумдорлигини оширишнинг янги усуллари яратиш;**

сунъий интеллект ва “ақлли технологиялар” бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, маҳаллий **тупроқ, экин ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турларига мослаштирилган агротехнологиялар яратиш;**

ўсимликлар ва уларнинг яшаш муҳитини, ўсимликлар таркибидаги озуқа моддаларининг оптимал даражасини, **тупроқнинг макро ва микро элементларини физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этиш;**

“яшил иқтисодиёт”, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда **ресурстежамкор технологиялар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни яратиш;**

электроника, мехатроника ва робототехника йўналишидаги амалий тадқиқотларни ривожлантириш, космик аппаратлар маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

физика йўналишлари бўйича фундаментал муаммоларни ўрганиш, экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг янги моделлари ва усуллари ишлаб чиқиш.

11. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, “А” бинога жойлаштирилсин.

Белгилансинки, Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти биносини жорий таъмирлаш, унга туташ ҳудудни ободонлаштириш, хизмат хоналарини мебель, компьютер, ташкилий техника ва инвентарь билан жиҳозлаш Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Сув хўжалиги вазирлигини маъмурий бино билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин ва унинг молиявий манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини тузиладиган шартномалар асосида илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизигача бўлган қисми;

иқтисодиёт тармоқларида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ўзаро келишув асосида таълим, кадрлар тайёрлаш, тадқиқот ва технологиялар трансферини ривожлантириш компонентлари маблағлари;

хорижий инвесторлар билан инвестиция келишувларида назарда тутилган илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қишлоқ, сув хўжалиги ва бошқа йўналишларда жалб этиладиган донор ташкилотларнинг грант маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бошқарув кенгашига Жамғарма маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини белгилаш ваколати берилсин.

13. Бошқарув кенгаши (С.У. Умурзаков):

а) икки ой муддатда:

Бошқарув кенгаши фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Трансформация офиси раҳбари лавозимига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган мутахассисни жалб этсин;

Университет кафедраларининг илмий фаолиятини соҳа ва тармоқлар муаммоларининг ечимига йўналтириш мақсадида замонавий таълим йўналишларини инобатга олган ҳолда, уларни қайтадан ташкил этсин;

Университетнинг ихтисослашган факультет ва кафедраларининг мос йўналишлари бўйича йирик хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйсин;

Университет раҳбарияти, кафедралари ва таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ҳамда юқори натижадорликка эришганларни рағбатлантириб бориш тизимини жорий қилсин;

б) Университетни халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатига киритиш бўйича мақсадли параметрларга эришилиши устидан доимий назорат ўрнатсин;

в) ўқув жараёнига хорижий профессор-ўқитувчиларни танлов асосида жалб қилиш ҳамда Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ошириш чораларини кўрсин;

г) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб сув хўжалиги объектлари қурилиши, гидроэнергетика, “ақлли” қишлоқ хўжалиги технологиялари ва геоинформатика каби йўналишлар бўйича хорижий давлатларнинг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини ҳамда кенг кўламли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш чорасини кўрсин;

д) 2023/2024 ўқув йилига қадар Университет ҳузурида янги синов лабораторияси ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги технопаркини ташкил этсин ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминласин.

14. Қуйидагилар:

2022–2023 йилларда Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти **илмий лабораториялари моддий-техника базасини яратиш дастури** 6-иловага мувофиқ;

2022–2024 йилларда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетиде амалга ошириладиган қурилиш ҳамда ўқув-лабораториялар **моддий-техника базасини модернизация қилиш дастури** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши
ТАРКИБИ**

С.У.Умурзаков	–	Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, <i>Бошқарув кенгаши раиси</i>
А.Ҳ.Тошқулов	–	олий ва ўрта махсус таълим вазири
И.Ю.Абдурахмонов	–	инновацион ривожланиш вазири
Ш.Р.Хамраев	–	сув хўжалиги вазири
Ж.А.Ходжаев	–	қишлоқ хўжалиги вазири
Ш.Х.Шерматов	–	ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
А.И.Ахмедхаджаев	–	энергетика вазирининг биринчи ўринбосари
Ш.А.Вафаев	–	инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари
Н.Ж.Бакиров	–	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси
Лавозим бўйича	–	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси
А.А.Сангинов	–	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқарув раиси
Лавозими бўйича	–	“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ректори, <i>Бошқарув кенгаши котиби</i>

Изоҳ: Бошқарув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юклатилган шахслар киритилади.

**2025 йилга қадар “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”
миллий тадқиқот университетини трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш
Дастури**

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
I. Университетни трансформация қилиш чора-тадбирлари					
1.	“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг (кейинги ўринларда – Университет) бошқарув кенгаши фаолиятини самарали йўлга қўйиш.	<p>1. Бошқарув кенгаши фаолияти тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Университетнинг бизнес-режаси, узоқ ва ўрта мuddатли стратегик ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Етакчи хорижий олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш ва хорижий профессорларни ўқув жараёнига жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>4. Таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш бўйича йўл-харитасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш.</p>	<p>2022 йил январь</p> <p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022 йил март</p>	–	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов)</p>
2.	Университетнинг узоқ ва ўрта мuddатли стратегик ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.	1. Стратегик ривожлантириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда хорижий ва ватандош экспертлар муҳокамасидан ўтказиш.	2022 йил март-апрель	Университет маблағлари	Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков),

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
3.	<p>Университетнинг Трансформация офиси раҳбарлигига хорижлик мутахассисни жалб этиш.</p>	<p>2. Ишлаб чиқилган Дастур лойиҳасини Университетнинг бошқарув кенгаши қарори билан тасдиқлаш.</p> <p>1. Трансформация ва стратегик ривожлантириш бўйича проректор лавозимига нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассис лавозими учун очик танловни эълон қилиш.</p> <p>2. Очик танлов натижалари бўйича проректор лавозимига номзодлардан энг муносибини тайинлаш.</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022 йил январь</p> <p>2022 йил апрель</p>	<p>Университет маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошкуллов)</p> <p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков),</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошкуллов)</p>
4.	<p>Университетни халқаро эътироф этилган агентликлар рейтингининг биринчи 1000 талик олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш бўйича тизимли ва самарали ишларни олиб бориш.</p>	<p>1. Университет халқаро рейтингини ошириш мақсадида унинг фаолиятини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлил натижаларига қараб Quacquarelli Symonds (QS) ва Times Higher Education (THE) халқаро рейтингларида иштирок этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар самарадорлиги мониторингини юритиш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил май</p> <p>Доимий</p>	<p>Университет маблағлари</p>	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков),</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошкуллов)</p>
5.	<p>Университетнинг халқаро миқёсда танилиши бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиш.</p>	<p>1. Университет фаолиятини тарғибот қилиш бўйича медиа-дастур ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Олий таълим бўйича халқаро кўргазмаларда иштирок этиш графигини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Тарғибот материаллари, шу жумладан видеороликлар, тарқатма материаллар ва тақдиримотларни тайёрлаш.</p>	<p>Ҳар йили декабрь</p> <p>Ҳар йили январь</p> <p>Ҳар йили март</p>	<p>Университет маблағлари</p>	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков)</p>

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
6.	<p>Университетнинг молиявий ҳолатини яхшилаш имкониятларини кенгайтириш.</p>	<p>4. Миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали тарғибот ишларини тизимли равишда амалга ошириш.</p> <p>1. Таълим, илм-фан, унинг натижаларини тижоратлаштириш бўйича тижорат ва нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш.</p> <p>2. Университетнинг 2022 йилда кутилаётган даромадлари ва харажатлари тўғрисида прогноз кўрсаткичларини аниқлаш.</p> <p>3. Хорижий давлат фуқароларини 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>Доимий</p> <p>Доимий</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил февраль</p>	<p>Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Университет маблағлари</p>	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков)</p>
7.	<p>Университетнинг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими негизида Беш муҳим ташаббус марказини ташкил этиш.</p>	<p>1. Марказ низоми, иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Марказ штатлар жадвалини тузиш ҳамда кадрларни ишга қабул қилиш.</p> <p>3. Марказ томонидан:</p> <p>ҳаваскорлик театр студияси, миллий қўшиқ ва рақс ансамбли, "Академик хор" клуби фаолиятини йўлга қўйиш;</p> <p>Университет спорт базаларида миллий спорт ўйинлари ва очиқ мусобақалар ўтказиш;</p> <p>робототехника ва IT саводхонлик мусобақаларини ташкил этиш;</p>	<p>2022 йил январь</p> <p>Доимий</p>	<p>Университет маблағлари</p>	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов)</p>

T/p	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
		<p>китобхонлик клубларини ташкил этиш, бадий адабиётлар тақдимотларини йўлга қўйиш;</p> <p>талаба-қизлар учун хунармандчилик бўйича қисқа мuddатли курслар ташкил этиш;</p> <p>оила ва соғлом турмушга оид семинар-тренинглар ўтказиб бориш.</p>			
8.	<p>Университетга хорижий талабаларни жалб этишни кенгайтириш.</p>	<p>1. Хорижий мамлакатлар меҳнат бозоридаги талабни доимий ўрганиш ва халқаро таълим кўргазмаларида иштирок этиш режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Аниқланган талабга мувофиқ хорижий фуқароларни, жумладан тўлов-контракт асосида масофавий таълим шаклида ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>2022/2023 ўқув йилидан бошлаб</p>	<p>Университет маблағлари</p>	<p>Университет, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов)</p>
9.	<p>Университетда ёшлар ўртасида илмий-маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Ёзги мактабларни ташкил қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Ёзги мактабларнинг ташкил этилишига қаратилган халқаро лойиҳалар базасини шакллантириш ва иштирокини ташкил этиш.</p> <p>3. Ёзги мактаблар фаолиятини республика миқёсида оммалаштириш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>Доимий</p>	<p>Университет маблағлари, ҳомийлик хайриялари, грант маблағлари</p>	<p>Университет, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов)</p>
10.	<p>Университет ва унинг тасарруфидаги таълим ташкилотлари тузилмаси ва низомларини илғор хорижий олий таълим муассасалари тажрибаси асосида қайта кўриб чиқиш.</p>	<p>1. Етакчи хорижий таълим муассасаларининг тузилмаси, бошқарув тизими ва низомларини ўрганиш.</p> <p>2. Университет ва унинг тасарруфидаги таълим ташкилотларининг янгиланган низомлари ва тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил февраль</p>	<p>–</p>	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов)</p>

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
II. Университетда таълим жараёнини самарали ташкил қилиш					
11.	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича касб стандартлари, ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	<p>1. Иш берувчи вазирлик ва идоралар билан биргаликда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари кесимида касбга қўйиладиган талабларни шакллантириш.</p> <p>2. Касбий ва таълим талабларини ўйғунлаштирган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликлар кесимида касб стандартини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Касб стандарти асосида таълим йўналишлари ва мутахассисликлари кесимида малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил август</p>	–	<p>Университет, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Ташкенбаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов)</p>
12.	Университет фаолиятини академик мустақиллик тамойили асосида ташкил этиш.	<p>1. Таълим сифатини таъминлаш ҳамда ички назорат қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.</p> <p>2. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун таълим давомийлиги мuddатларини белгилаш.</p> <p>3. Магистратура босқичида таълимнинг сиртқи, масофавий ва кечки шаклларини жорий этиш.</p> <p>4. Докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022 йил июнь</p>	–	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков)</p>
13.	Университетда 2025 йилга бориб илмий даражали ўқитувчилар улуши 90 фоизга етишига эришиш.	<p>1. Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига талаборларни докторантурага қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Талаборларни таянч докторантура ва докторантурага Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қўшимча қабул қилиш.</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022/2023 ўқув йилидан бошлаб</p>	<p>Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Университет маблағлари</p>	<p>Университет, Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов)</p>

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
14.	Университетда илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш.	<p>1. Илмий унвонлар ва илмий даражаларни мустақил бериш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Илмий даража берувчи илмий кенгашлар таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил апрель</p>	-	Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков)
15.	Халқаро эътироф этилган агентликлар рейтингининг биринчи 1000 талик рўйхатида кирган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг Университетдаги улушини ошириш.	<p>1. Университетга жалб қилинган хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини белгилаш тартибини тасдиқлаш.</p> <p>2. Ҳар семестрда ўқув ва илмий жараёнга халқаро эътироф этилган агентликлар рейтингининг биринчи 1000 талик рўйхатида кирган олий таълим муассасаларидан 15-20 нафардан профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш.</p> <p>3. Университетнинг виза талабномаларига биноан таклиф этилаётган хорижлик мутахассислар, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар учун Ўзбекистон Республикасига кириш визаларини консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан ўрнатилган тартибда расмийлаштириш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022/2023 ўқув йилидан бошлаб</p>	Университет маблағлари, грант маблағлари	Университет, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камиллов)
16.	Профессор-ўқитувчи ва илмий-педагог ходимларнинг касбий маҳоратини хорижий олий таълим муассасаларида ошириш.	<p>1. Профессор ўқитувчилар, докторантлар ва магистрантларни хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида илмий стажировка ва малака оширишга юбориш бўйича танлов ўтказиш.</p>	Доимий	Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Университет маблағлари,	Университет, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов)

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
17.	<p>Университет ўқув жараёнига жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш тартибини соддалаштириш.</p>	<p>2. Ҳар ярим йилда танловдан муваффақиятли ўтган 20 нафаргача ходимни илмий стажировка ва малака оширишга юбориш.</p> <p>1. Университетга педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Университет раҳбарияти, кафедралари ва таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ҳамда юқори натижадорликка эришганларни рағбатлантириб бориш тизимини жорий этиш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил март</p>	<p>–</p>	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков)</p>
18.	<p>Илғор хорижий тажриба ва меҳнат бозори талаблари асосида гидроэнергетика, биоиктисодиёт, туризм (тармоқлар бўйича), юриспруденция (трансегаравий сув ва ер муносабатлари) каби магистратура мутахассисликларида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш.</p>	<p>1. Рақобатбардош таълим дастурларини яратиш ва таълим жараёнларининг ахборот-технологик таъминотини яхшилаш.</p> <p>2. Илғор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш.</p> <p>3. Таълим дастурларини фаолият йўналиши таълим билан боғлиқ хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш.</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022 йил июнь</p> <p>2022 йил июль</p>	<p>–</p>	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов)</p>
19.	<p>Аэрокосмик технологиялар соҳаси учун бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим классификаторига таклифлар киритиш.</p>	<p>1. 2022/2023 ўқув йили бакалаврият ва магистратурага қабул квотаси бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Германиянинг Берлин техника университети ва Хитой сунъий йўлдошлар навигацияси ташкилоти (CSNO) билан ҳамкорлик ўрнатиш.</p> <p>3. Ўқув-меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш.</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022 йил июнь</p>	<p>–</p>	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов)</p>

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
20.	Хорижий давлатларнинг олий таълим муассасалари билан таълим олувчиларнинг академик алмашинувини ривожлантириш.	<p>1. Халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингига биринчи 1000 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини амалга ошириш.</p> <p>2. Қўшма таълим дастурлари асосида ташкил этилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўқув жараёнини тўлиқ хорижий тилларда ташкил этиш.</p> <p>3. Хорижий тилни билиш бўйича халқаро ёки миллий сертификатга эга талабгорларни турдош бўлмаган таълим йўналишлари негизидаги магистратура мутахассислигига қўшма таълим дастурлари асосида қабул қилиш.</p>	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб	Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Университет маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошкуллов), Университет
21.	Университетнинг ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув-илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш.	<p>1. Университетнинг ўқув адабиётлари таъминотини хатловдан ўтказиш ва янги адабиётларга талабни аниқлаш.</p> <p>2. Янгиланадиган адабиётлар рўйхатини тасдиқлаш ва уларни нашр қилиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш.</p>	2022 йил апрель 2022 йил июнь	–	Университет
22.	Университетдаги таълим сифатини ички баҳолашда халқаро таълим сифатини аккредитация ташкилотлари хизматларидан фойдаланиш.	<p>1. Университетдаги таълим сифатини ички баҳолашга халқаро аккредитация ташкилотларини таклиф этиш.</p> <p>2. Университет таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини бошқичма-бошқич аккредитациядан ўтказишга тайёрлаш.</p> <p>3. Тизимли камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.</p>	2022 йил январь 2022 йил март 2022 йил май	Университет маблағлари	Университет, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Ташкенбаев)

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
23.	Университет кафедраларининг ўқув, илмий ва инновацион фаолиятини тубдан такомиллаштириш.	<p>1. Замонавий таълим йўналишларини инobatга олган ҳолда, Университет кафедраларининг илмий фаолиятини соҳа ва тармоқлар муаммоларининг ечимига йўналтириш мақсадида уларни қайтадан ташкил этиш.</p> <p>2. Университет ихтисослашган факультет ва кафедраларининг мос йўналишлари бўйича йирик маҳаллий ва хорижий корхоналар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Университет таркибида илм-фан натижаларини тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган таркибий тузилмалар ташкил қилиш.</p>	2022 йил январь	Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Университет маблағлари	Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков)
24.	Ногиронлиги бўлган талабаларнинг ижтимоий мослашуви учун шароит яратиш ва инклюзив таълим ғояларини тарғиб қилиш.	<p>1. Университетда таҳсил олувчи ногиронлиги бўлган талабалар билан ишларни тизимли ташкил этиш.</p> <p>2. Инклюзив таълимни йўлга қўйиш чораларини кўриш.</p>	Доимий	Университет маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Университет, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошкуллов)
25.	Университет фахрий битирувчиларининг уюшмасини ташкил этиш.	<p>1. Уюшма низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Университет фахрий битирувчилари форумини даврий равишда ўтказиб бориш.</p>	2022 йил март Доимий	Университет маблағлари	Университет
III. Университетнинг илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини ривожлантириш					
26.	Университетнинг фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Институтнинг низоми ва штатлар жадвалини тасдиқлаш.	2022 йил январь	Бюджет маблағлари	Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков)

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
27.	<p>Минтақада ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий тадқиқотларни олиб бориш.</p>	<p>2. Институтни юқори илмий салоҳият, катта амалий тажрибага эга кадрлар, жумладан хорижлик мутахассислар билан тўлдириш.</p> <p>1. Тупроқнинг макро ва микро элементларини физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этиш.</p> <p>2. Тежамкор технологиялар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни яратиш.</p> <p>3. Сувдан фойдаланиш бўйича ўрта ва узоқ мuddатга мўлжалланган стратегияни ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Геоахборот технологиялари асосида ерларнинг мелiorатив ҳолатини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, тупроқ унумдорлигини оширишнинг янги усулларини яратиш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>Доимий</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил октябрь</p>	<p>Грант маблағлари</p>	<p>Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти, Университет</p>
28.	<p>Университетнинг кафедраларида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ташкил этиш ҳамда илмий мактабларни ривожлантириш.</p>	<p>1. Қишлоқ ва сув хўжалигининг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган фундаментал ва амалий изланишлар кўламини кенгайтириш.</p> <p>2. Гидротехника иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш, ҳисоблаш, лойиҳалаш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида илмий-амалий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш.</p> <p>3. Илмий ишланмалар ҳамда инновациялар трансферини жорий этиш ва уларни тижоратлаштириш учун шароитлар яратиш.</p>	<p>2022/2023 ўқув йили</p>	<p>Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Университет маблағлари, ҳомийлик маблағлари</p>	<p>Университет, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамроев)</p>

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
29.	Университетнинг ўқув-тажриба хўжалигида "Ақлли қишлоқ ва сув хўжалиги" намунаси ўқув-тажриба майдонини ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқув-тажриба майдонини ташкил этиш учун ўқув-тажриба хўжалигининг 5 гектар майдонини ажратиш. 2. Ўқув-тажриба майдонида сув тежовчи технологияларни ва рақамли техник воситаларни ўрнатиш. 3. "Яшил иқтисодиёт" моделини қўллаш, ҳосилдорлик ва энергия ресурслари тежамкорлигини асослаш. 4. Ижобий тажриба натижаларини республика миқёсида қўллашнинг самарадорлиги юзасидан таклиф ишлаб чиқиш. 	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йил март</p> <p>2022-2024 йиллар</p>	<p>Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Университет маблағлари, ҳомийлик маблағлари</p>	<p>Университет, Қишлоқ хўжалиги вазири (Ж.Ходжаев)</p>
30.	Университет илмий инновацион ишланмаларнинг трансферини самарали амалга ошириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодиёт тармоқлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг мавжуд муаммолари ечимига йўналтирилган таклифларини ўрганиш. 2. Илмий инновацион ишланмалар трансферини самарали ташкил этиш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш. 	<p>Доимий</p> <p>Ҳар йили март</p>	-	<p>Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири (И. Норқулов), Инновацион ривожланиш вазири (И. Абдурахмонов)</p>
31.	Университет илмий тадқиқот натижаларини нашр қилиш, амалиётга жорий этиш, халқаро ва хорижий илмий-тадқиқот лойиҳаларида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш.	<ol style="list-style-type: none"> 1. Юқори малакали консультантни жалб қилиш. 2. Профессор-ўқитувчиларга маслаҳат хизмати кўрсатиш ва очиқ маърузалар ташкил этиш. 	<p>2022 йил март</p> <p>Доимий</p>	Университетнинг маблағлари	<p>Университет, Инновацион ривожланиш вазири (И. Абдурахмонов)</p>

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
32.	Университетнинг илмий-тадқиқот фаолиятига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш самарадорлигини ошириш.	1. Давлат грантлари ва хорижий грантлар танловига лойиҳалар тайёрлаш. 2. Грантларни жалб этган ўқитувчи ва ходимларни моддий рағбатлантириб бориш.	Доимий	Грант маблағлари, хўжалик шартномалари маблағлари	Университет, Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов)
IV. Университетнинг ўқув ресурсларини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини ривожлантириш					
33.	Университет ҳузурида янги синов лабораторияси ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги технопаркини ташкил этиш.	1. Лаборатория ва технопаркни ташкил этиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда зарур ер майдони, бино ва иншоотларни ажратиш. 2. Лаборатория ва технопаркни ҳамкор донор ташкилотларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш.	2022 йил март 2023/2024 ўқув йили	Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Университет маблағлари	Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков)
34.	Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш.	1. Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамини очиш ва рўйхатдан ўтказиш. 2. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича низом ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Жамғарманинг молиявий манбаларини шакллантириш ҳамда халқаро молия ва бошқа донор ташкилотларининг грант маблағларини жалб қилиш.	2022 йил январь 2022 йил февраль Доимий	Университет маблағлари	Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков)
35.	Университетнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш.	1. Университет кафедраларининг лаборатория базасини моддий-техника воситалари билан таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва молиялаштириш манбаларини белгилаш. 2. Янги ташкил этиладиган лаборатория ишлари учун услубий таъминот ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш.	2022 йил январь Дастур асосида	Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси, Университет маблағлари, бюджет маблағлари, грантлар	Университет бошқарув кенгаши (С. Умурзаков), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)

Т/р	Асосий вазифа	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
36.	<p>Университет ҳудудида талабалар учун интернет ва ахборот ресурс базаларидан доимий фойдаланиш имкониятини яратиш.</p>	<p>1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш. 2. Университетни 400 Мбит/с дан кам бўлмаган тезликдаги интернет тармоғига улаш. 3. Университетнинг 100 фоиз ҳудудида бепул Wi-Fi зоналарини ташкил этиш. 4. Соҳага оид дастурий таъминот бўйича тўғарақлар, электрон дастурлар, мобил иловалар ва электрон кутубхоналарни жорий этиш.</p>	<p>2022 йил март 2022 йил сентябрь</p>	<p>Университет маблағлари</p>	<p>Университет</p>
